УДК 37(1174)

ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.Мамажонов

Мақолада тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш масалалари, тарих таълимининг ўқитиш тизимида замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи бу ўқитувчи ва талабанинг натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқлиги, таълим тизимида қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинганлиги, натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмаганлиги масалалари хусусида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: *стратегия, интерфаол, амалий, педагогик технология, интеллектуал, тарихий дунёқараш.*

В статье рассматриваются проблемы использования практических методов педагогических технологий в историческом образовании, основой современной педагогической технологии в системе исторического образования является зависимость выбранной технологии от учителя и ученика в достижении результатов, теории и практики педагогического образования, технологии в системе образования на протяжении многих лет, в результате чего вопрос о том, направлена ли та или иная передовая методика на совершенствование учебного процесса или развитие познавательной активности учащихся, не мог подняться на уровень техники.

Ключевые слова: *стратегия, интерактив, практика, педагогическая технология, интеллектуальное, историческое мировоззрение.*

Мустақиллик ижтимоий-иқтисодий муносабатларнигина ўзгартириб қолмай, халқнинг онгу тафаккури, маънавияти ва дунёқарашига ҳам ижобий таъсир этди. Юртимизда янгича дунёқараш асослари шаклланди. Бошқача айтганда, фақат ижтимоий-сиёсий муносабатлар эмас, халқнинг руҳи ва иродаси ҳам эволюцион тарзда ўзгариб, такомиллашиб борди. Шу жараёнда тарихни замонавий педагогик технологияларнинг амалий усулларидан фойдаланиш асосида ўқитиш иши долзарб характер касб этдики, буни тарих таълимида янги давр деб айтиш мумкин.

Тарих фанида жаҳон халқлари ва халқимизнинг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини амалий аҳамияти очиб берилади.

“Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида аввало она-Ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эканини кўрар” [1. Б. 252] эканмиз биз бунда, албатта, “Ўз умрини ўтаб бўлган эски тузумдан халқ хоҳиши-иродасининг ифодаси бўлган янги жамият сари ўтиш даврида аниқ тараққиёт стратегиясини белгилаб олиш ҳар бир давлат учун энг муҳим, шу билан бирга мураккаб ва масъулиятли масаладир. Бу стратегияни оғишмай, изчил ва қатъият билан амалга ошириш эса янада мураккаб вазифа” [7. Б. 3] эканлигини ҳам теран ҳис этамиз. Янги Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда ёшлар тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, миллий ғоя, миллий мафкура ва ўз ватанига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда халқпарвар бўлишлари билан боғлиқ бўлиб, бу мураккаб жараённи муваффақиятли амалга ошириш мустақил мамлакатнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Президентимиз тўғри таъкидлаганларидек: “Биз улуғ боболаримизнинг муносиб давомчи-

лари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбияламоқ ва камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак тараққиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етган – бу ҳам ҳақиқат" [5. Б.72]. Шуни теран ҳис этган ҳолда, бугунги кун ёшларининг таълим-тарбияси, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистон давлат сиёсатининг янги босқичида устувор аҳамият касб этгани бугун ҳаммага маълум. Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтаришда "халқимизнинг таълим ва тарбия бешикдан бошланади деган ҳикмати бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди" [6. Б. 30], деган қарашлардан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишда тарих таълимининг ўзига хос ва ғоят муҳим ўрни борлиги шубҳасиз. Зеро, тарих оламнинг бугунги кунини англаш, бугунги ҳодисаларнинг туб мазмун-моҳиятини тушуниш учун тайёр бир тажриба, андоза бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, "Тарихнинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти мозийни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бугунни баҳолаш, бугунги одамларни тушуниш ва уларни йўлга солиш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзига мужассам этганида" [8. Б. 9–10]дир.

Ёш авлодда фуқаролик ҳис-туйғуларини тарбиялаш ва ўзи туғилиб ўсган она-Ватанга садоқат, халқпарвар шахсни шаклантириш қадимиятдан бошлаб ҳар бир жамиятнинг диққат марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шундан келиб чиқиб "нимани ва қандай ўқитиш" масаласи ҳамиша диққат марказида турган. Ушбу саволнинг биринчи қисмига жавоб аниқ: ёш авлодга тарихимизни ўқитмоқ керак. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарининг нутқларида бу нарсани ҳамиша алоҳида таъкидлаб, вазифа қилиб қўйиб келинади: "...ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш...ёшларимизни китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди" [2. Б. 46–47].

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш ҳақида сўз борганда, биз машғулотларда замонавий ахборот технологияларини қўллаш, яъни ўқитиш жараёнида электрон воситалардан фойдаланиш, ўқув жараёнини ахборотлаштириш, масофавий таълим шакли кабиларни тушуниш, ҳатто уларни олдинги режага қўйиб тушуниш фикридан йироқмиз. Тарих таълими тизимида замонавий педагогик технологиянинг энг асосий негизи, асоси – бу ўқитувчи ва талабанинг натижага ҳамкорликда эришиш учун танлаган таълимий метод ва воситалари жамидир.

Ўтган даврга назар ташлайдиган бўлсак, тарих таълим тизимида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинди. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай, аста-секинлик билан ўз мавқеи ни йўқотиб, педагогика фанидан узоқлашиб кетганлигини кўрамиз.

Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд, энди умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш учун кенг йўллар очилган.

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш масалалари хусусида гап борар экан, албатта, бу жараён мактабларнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўяди. Ўқув жараёнида янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши, ўқитувчини техникавий воситалар томонидан сиқиб чиқаришга эмас, балки ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади, ўқитувчининг вазифалари ва ролини ўзгартиради. "Ўқув машғулотларини майда гуруҳларга ажратиш ҳамда индивидуал ўқитиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати,

амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши керакли материаллардан фойдалана олиши учун адабиётлар, оммавий ахборот воситалари, журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олишлари учун бой фондга эга бўлган ахборот ресурс марказлари (кутубхона), унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари тўлиқ компьютер жиҳозлари билан таъминланиши ҳам муҳим" [10. Б. 3] аҳамият касб этади.

Шундай экан, "Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишга рахна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларининг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири" эканлигини [3. Б. 27–28], ҳис этган ҳолда тарих таълимида педагогик технологияларни амалий методларидан янада кўпроқ фойдаланиш учун кенг имкониятлар борлигидан далолат беради.

Бугунги кунда замонавий тарих фани машғулотларида ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳисобига таълим сифатини яхшилаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Натижада тарих таълимининг амалий методларини ёшлар онгига сингдиришда ақлий ҳужум, машқлар, ҳужжатлар устида ишлаш, ролли ўйинлар, китоб билан ишлаш каби методлар орқали етказиш зарурлигини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Бунинг сабабларидан бири, шу кунгача анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган, ривожлантирувчи таълимда эса билимларни ўрганувчилар мавзулар бўйича ўз йўналишларини мустақил қидириб топиши, мустақил ўрганиб таҳлил қила олиши, хулосаларни ҳам ўқувчиларнинг ўзлари келтириб чиқариши талаб қилинишидадир.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитишнинг замонавий методлари, шакл ва воситалари, ўйин технологиялари, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутади.

Таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлик қилиши катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг фанга қай даражада ихлос қўйиши ўқитувчининг мана шу ҳамкорлик жараёнини йўлга қўйиш маҳоратига, яъни педагогик ижодкорлигига боғликдир. Бу соҳада методист Ш.А.Аманашвили "Педагогик ижодкорликни фақатгина янгиликка, тажрибалар ўтказишга интилиш деб тушунмаслик керак" [11. Б. 101] деб таъкидлаганки, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятидаги муҳитнинг тўғри ташкиллаштирилиши ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишлари, интилишларини кучайтиради, бутун куч ва ғайратларини сарфлаб, ўзларини намоён қилишга ундайди.

Тарих ўқитишнинг шакл ва методлари тизимида амалий ўйинлар алоҳида аҳамият касб этади. Талаба(ўқувчи)лар ўқув материалларининг асосий мазмунини аудитория(синф)да ўқув машғулотлари давомида ўзлаштириб оладилар, бироқ уларнинг тарих дастури юзасидан ўрганиш зарур бўлган билим ва малакаларининг ҳаммасини ҳам ўқув машғулотлари доирасида сингдириб ололмайди. Бунинг устига тарихий билимлар илмий ва сиёсий информациялар ҳажми тез кенгайиб, муттасил ошиб бораётган шароитда улар ишларни яхши йўлга қўйиш ғоят зарурдир. Тарих севиб ўқиладиган фандир, уни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда ўтмишни пухта билиб олиш тилаги ортиб боради, улардаги бу истакни синфдан ташқари ишларни яхши йўлга қўйиш йўли билангина бажо келтириш мумкин. Ана шундай йўллардан бири амалий ўйинлардан фойдаланиш талаба (ўқувчи)ларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиради ва билимларини пухта бўлишига замин яратади, шу сабабли ҳам улар кўп ҳолатларда "дидактик ўйинлар" деб юритилади. "Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш"да "Ролли ўйинлар" методига тўхталсак, бунда бирор муаммо бўйича ўқувчи ва талабаларга аввалдан бир неча мавзуларни тавсия этиш кўзда тутилади. Масалан, "Мустақиллик йўлидаги кураш" умумий мавзуси доирасида ўзбек халқининг озодлиги учун курашган миллий қаҳрамонлар, 30-йиллардаги қатағонликлар, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги даврида амалга оширилган ишлар каби масалаларни

асосга қўйиб машғулот ташкил қилиш тавсия этилади. Шулардан, мисол учун, “Россия империяси Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганми?” мавзуси танланиб, бу бўйича ўқувчи ва талабалар ролларга бўлинади, улар йўналиш бўйича белгиланган ролни ижро этадилар.

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланишдан кўзланган мақсад:

- талаба(ўқувчи)ларнинг мавзу бўйича билимларини системалаштириш, умумлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- тарихий ҳужжатларни ўрганиш орқали уларни таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;
- маълумотларни таҳлил этиш, умумлаштириш, фактларни таққослаш, манбалар асосида ўз фикрини мужассам этган ҳолда малакасини ривожлантириш;
- шахсий фикрини исботлаб, оппонентларнинг хато фикрларини рад этиш, муаммолар қўйиш ва ҳал этишга ўргатиш;
- талаба(ўқувчи)ларда мустақил фикрлаш орқали ўз топқирлигини намоён қилиш учун имконият бериш;
- талаба(ўқувчи)ларнинг тарихга бўлган қизиқишлари, иштиёқлари ва ҳурматларини оширишга кўмаклашиш;
- курс, синф, гуруҳ жамоасининг умумий иш асосида жипслигини мустаҳкамлаш, ўз жамоаси учун қайғуриш ҳиссини кучайтириш каби таълим тарбиявий хислатларни шакллантиришга қаратилади.

Амалий метод брифинг тарзида ўтказилади. Саҳнага мавзу бўйича танланган ўқувчи ёки талабалар таклиф қилинади. Бу ташкил этиладиган ролли ўйинга ўқувчи ва талабалар ҳамда қизиқувчи фан ўқитувчилари таклиф этилади. Ўртани модератор сифатида ўқитувчи олиб боради.

Модератор - Бугунги ролли ўйинимизда “Россия империяси Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганми?” мавзуси кун тартибидаги асосий масала, шу бўйича саволлар ўртага ташланиб муҳокама қилинади.

Модератор - Россия империяси томонидан Туркистоннинг мустамлакага айлантирилишининг асосий босқичлари ҳақида Сизлар қандай фикрдасиз?

Жавоб берувчи - Россия тарихидан маълумки, бу жараён беш босқичда амалга оширилган, шу ҳақда айрим мулоҳазаларимни таклиф этсам:

Биринчи босқич - А.Бекович-Черкасскийнинг 1714–1717 йиллардаги, яъни Пётр I давридаги муваффақиятсиз ҳарбий экспедицияси.

Иккинчи босқич - 1847 йилдан 1864 йилгача, императорлар Николай I, Александр II даврида Қозоқ жузлари, Қўқон хонлиги ва Тошкент бўйсундирилди.

Учинчи босқич - 1865–1868 йиллар, Александр II даврида Бухоро амирлигини забт этиш жараёни бошланди.

Тўртинчи босқич - 1873–1879 йилларда, ўша император даврида Хива хонлигининг қарам аҳволга туширилиши ҳамда Қўқон хонлигининг тугатилиши рўй берди.

Бешинчи босқич – 1880–1885 йилларда, рус подшолар Александр II ва Александр III даврига тўғри келди. Бу босқичда ҳаракатлар асосан ҳозирги Туркманистон ҳудудида амалга оширилган эди [12. Б. 15].

Модератор – Россия империясининг Туркистондаги бу ҳаракатларига Сизлар қандай қарайсизлар.

Жавоб берувчи – Бу албатта учала мустақил ўзбек давлат тузуми, яъни хонликларни фақат қоғозларда мавжудлигини кўрсатиб, уларнинг чор Россиясига тўла мустамлака бўлишига олиб келди.

Модератор – Энди навбатдаги савол Россиянинг Марказий Осиёдаги бу ҳаракатлари цивилизаторликми ёки мустамлакачиликми деган масалага сиз қандай эътибор қаратасиз?

Жавоб берувчи – XIX асрнинг 60-йилларида Санк-Петербургда Марказий Осиёни босиб олишдан иборат экспанционистик ғоянинг асосий концепцияси расман шакллантирилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Британия империяси ва Ҳиндистондан чўчиб, ниҳоят Марказий Осиёга нисбатан белгиланган сиёсатни ижро этишга киришди.

Модератор – Сизлар Россия империясининг Марказий Осиёдаги қуролли ҳамлалари ҳақида нима дея оласиз.

Жавоб берувчи – 1840 йилдан 1864 йилга қадар, йигирма йил давомида Қўқон шимолидаги ерларга тизимли тарзда юришлар қилган. Умуман олганда, Сибирь ва Оренбургдан Марказий Осиёга қарши рус ҳарбий юриши бўлган. Рус генераллари М.Г.Черняев,

М.Г.Лерхе, А.О.Дебу, Г.А.Колпаковский бошчилигидаги рус армияси дастлабкида кескин курашлар олиб борган.

Иштирокчилардан бири – Россия империяси Марказий Осиёда цивилизаторми ёки мустамлакачи деган масалага генерал-губернатор К.П.фон-Кауфман томонидан олиб борилган сиёсатга эътиборни қаратсанглар.

Жавоб берувчилардан бири – Қўқон хонлиги ерлари қисман босиб олингандан кейин 1865 йили Туркистон вилояти ташкил этилди. Туркистоннинг қурол билан забт этилган ерларида 1867 йилда Россия империяси Туркистон фавқулодда генерал-губернаторлиги ташкил топди. Унинг таркибида Сирдарё ва Етисув вилоятлари бўлиб, маркази Тошкент шаҳри эди. Генерал-губернатор К.П.фон-Кауфман бошчилигида Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари ерларини босиб олиш бўйича бош режа ишлаб чиқилди. 1868 йил июнь ойининг охирида рус армияси Бухоро амирлигига ҳарбий компания бошлади. 1 май куни Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалигида ғалабани қўлга киритди, Самарқанд эгалланди ва армия Каттақўрғонга йўл олди. Генерал-губернатор К.П.фон-Кауфман томонидан олиб борилган сиёсат натижасида Марказий Осиёда Пётр I орзу қилган мустамлакачилик вужудга келди.

Модератор – Россия империясининг Марказий Осиёдаги ҳаракатлари масаласи долзарб муаммо бўлгани сабабли бу давр бўйича айрим тарихчилар цивилизация олиб кирилганлигига урғу қўйса, айримлари уни тўлиқ мустамлака дейиши, ҳаттоки, рус ҳарбийлари Россиянинг олий мукофотлари билан тақдирланганликларини қандай исботлаш мумкин?

Иштирокчилардан бири – император Александр II Марказий Осиёга цивилизация олиб кирганлиги боис М.Д.Скобелевни давлат мукофотлари билан тақдирладими?

Жавоб берувчилардан бири – Россия империясининг Марказий Осиёдаги мустамлака сиёсатида М.Д.Скобелевнинг хизматлари алоҳида эътироф этилди, император Александр II унга “Жасорат учун” ёзуви туширилган олтин яроғ совға қилиб, учинчи ва тўртинчи даражали авлиё Георгий кўкрак нишони билан тақдирланди. Шу тариқа, Хива юришида ўзини тинч аҳоли қотили сифатида намоён этган М.Д.Скобелев юксак аскарий мукофотлар соҳибига айланганлигини айтиб ўтишимиз мумкин [12. Б. 26].

Модератор – “Россия империяси Туркистонни ўз мустамлакасига айлантирганми?” мавзуси бўйича ўтказилган ролли ўйин методини якунлайди ва талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари самарадорлигини ошириш бўйича яна янги таклифлар тавсия этади.

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш, юқорида айтганимиздек, дидактик ва методик аҳамиятига эга бўлиб, олий таълим ҳамда мактабда тарих ўқитиш тажрибаси таълимининг ҳамма босқичларида ҳам талаба(ўқувчилар)нинг мустақил ишлашлари мумкинлигини кўрсатади. Ўқитиш методлари ўқитувчининг иш методларидангина иборат бўлмай, балки бу методлар талаба(ўқувчи)ларнинг ҳам иш методларини ўз ичига олади.

Демак, таълимнинг амалий методи ўзининг дидактик ҳолати асосида, айниқса, юқори курс(синф)ларда муҳим роль ўйнайди. Чунки юқори курс(синф) талаба(ўқувчи)ларининг ёши бу методлардан муваффақиятли фойдаланишга имкон беради.

Таълимнинг амалий методининг асосий йўли талаба (ўқувчи) ёшларнинг ҳаётни ўрганиш йўлидир. Шунинг учун ҳам амалий метод жуда катта таълим ва тарбиявий аҳамият касб этади. Бу метод тарих ўқитишни ҳаёт билан мустақил бўлиб боришига ёрдам беради, шу асосда бу билим талаба (ўқувчи)ларнинг ишончи ва эътиқодига кўмаклашади, ёшларнинг фуқаролик бурчини тушуниб, жамиятда ўз мавқеларини топиб олишларига ёрдамлашади.

Талаба(ўқувчи)ларнинг амалий билиш фаолиятига уларнинг оммавий ахборот воситалари билан олиб борадиган ишлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ва илғорлари билан, фермерлар, иккинчи жаҳон уруш ва меҳнат фахрийлари билан суҳбатлари, тарихий очерк ёзиш, фото-альбомлар, макетлар ясаш, расмлар, хариталар чизиш ва бошқалар киради. Талаба (ўқувчи)ларнинг оммавий ахборот воситалари билан олиб борадиган амалий иши талаба (ўқувчи)ларнинг бу иши катта ўқув ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз тарихи унинг ҳозирги кундаги ички ва халқаро аҳволига доир энг муҳим воқеаларни тўғри тушунишга, уларга тўғри баҳо беришга ўрганадилар, оммавий ахборот воситалари материалларини тарих курсининг муҳим материалларини чуқур

ўзлаштиришга ёрдам беради. Амалий метод тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшларимизнинг газета ва журнал материалларини тарих курсининг муҳим материалларини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга уларда газета ва журнал материалларини ўрганишда индивидуал вазифаларни бажариб мустақил ўқиш ва амалий фаолияти учун зарур малакаларини ҳосил қиладилар. Ўқувчилар оммавий ахборот воситалари материалларини ўқиб улардан ўзларига зарур фактларни рақамларни танлаб олиш воқеаларини таҳлил қилиш улардан тегишли хулосалар чиқара билиш ва умумлаштира билиш, режа тузиш, матн ёзиш газета ва журналлардан кўчирма қилиш, қўшимча адабиётлардан фойдаланишга ўрганадилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқатворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир" [9. Б. 63].

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш мавзусини баён этишда биринчи навбатда ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилаш, дидактик материаллардан кенг фойдаланиш, иккинчидан ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш имкониятини беради, учинчидан тарих ўқитишни ҳаёт билан боғлашга ёрдам беради ҳамда ўқувчи ёшларни фуқаролик бурчини тушуниб, ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишларига ёрдамлашади, тўртинчидан ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади.

"...Биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз... фарзандларимиз тарбиясида уларни янги босқичга кўтарилиши" [4. Б. 17] учун мактабда тарих ўқитишда амалий методларни қўллаш, ўқитувчининг мавзу бўйича тайёрлаган матнлари, дарслик матни, тарихий ҳужжатлар, илмий-оммабоп, бадиий-тарихий адабиётлар муҳим аҳамият касб этади.

Тарих таълимида педагогик технологияларнинг амалий методларидан фойдаланиш натижасида ўқувчи материалларни ўзлаштириш ва уни эсда сақлаб қолиш, ўқув матнини таҳлил қилиш ва ундан тарихий воқеа ҳодисаларнинг муҳим белгиларини топиш, фактик материаллар ва тарихий фактларнинг муҳим белгиларини бир-бирига таққослаш, конкретлаштириш ва умумлаштириш каби турли хил мақсадларда олиб борилади.

Тарих таълимида амалий методлар орқали тарбиявий ишларни ташкил қилишда бош омил – ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, мулоқот одоби, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, санъат, халқ ёдгорликларини тушуниш ва ардоқлаш каби юксак инсоний фазилатларнинг юзага келишида мустақил фикрлашни шакллантиришда бугунги кунда тарих фани ўқитувчиси олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, мустақиллик йиллари халқимизнинг, жумладан, ёшларимиз онги, фикри, тафаккури анча ўзгарди. Биринчи галда оламга, жамиятга, инсонга муносабатда, турли воқеа ва ҳодисаларни, ғоялар ва эътиқодларни идрок этишда, баҳолашда коммунистик тафаккурнинг тор партиявийлик, синфийлик меъёрлари ва тамойилларидан фориғ этиб, ҳақиқий виждон эркинлигини таъминлашга киришилди. Коммунистик мутаассибликни келтириб чиқарадиган, яъни нокоммунистик бошқа ҳар қандай муқобил қарашларни инкор ва таъқиб қиладиган, ижтимоий онгни ўта мафкуралаштиришга, ҳатто иқтисодиётни мафкурага бўйсундиришга, мафкуранинг ўзини эса ўта сиёсийлаштиришга хизмат қиладиган бу уч меъёрдан воз кечиш тафаккурни кишандан озод этди. Лекин эркин ривожланиш учун кишандан халос бўлишнинг ўзи камлик қилади, ривожланишнинг зарур объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ҳам яратилиши керак. Шу боис мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ тафаккурнинг воқелиги бўлмиш тарих фанини ривожлантиришга, уни бойитишга, маданий меросни, халқимизнинг урф-

одатларини тиклашга, айни пайтда уларни умуминсоний қадриятлар билан бойитишга, умуман маънавий юксалиш масалаларига иқтисодиёт ва давлат қурилиши билан бир қаторда устуворлик берилди. Инсон эркинликлари – эътиқод ва виждон эркинлиги, мафкуравий плюрализм Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.

Халқимизга аждодларимиздан қолган буюк илмий-интеллектуал, бадиий, маънавий мерос қайтарилди ва бу иш давом этмоқда. Тарихий хотирани тиклаш, замоннинг энг янги ютуқларини ўзлаштириш давомида миллий ғурур ҳам тикланиб, мустаҳкамланмоқда. Айниқса, янги авлодни баркамол этиб тарбиялаш, яъни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш масаласига жамият миқёсида устувор вазифа деб қаралди. Янги авлод эркин, танқидий, ижодий ва мустақил фикр ва тафаккурга эга, мустамлакачилик даврида ўсган авлоддан фарқли, ижтимоий қўрқувдан ва миллий номукаммаллик туйғусидан ҳоли, сиёсий ва ижтимоий фаол, изланувчан ва омилкор, "боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишини ўзига ор деб биладиган" кенг билимли, маърифатли бўлиб шаклланиши лозим, деган вазифа қўйилди.

Амалий методлар орқали ўқувчи ва талабаларнинг мустақил фикрини шакллантиришда, дунёқарашини ривожлантиришда, турли тажовузкор мафкуравий ахборот хуружларидан огоҳ этишда, тараққиёт стратегияси йўналишлари бўйича олиб бориладиган тадқиқот ва тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент. Ўзбекистон, 2021. – 457 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 104 б.
3. *Мирзиёев М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 592 б.
4. *Мирзиёев Ш.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз . – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
7. *Қувватов Н.* Ўтиш даври тафаккури. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 96 б.
8. *Исоқов Б.* Жамият тараққиёти асоси. – Наманган: "Наманган" нашриёти, 2007. – 122 б.
9. *Каримов И.А.* Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 62 б.
10. *Амиржонова Ю.* Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади? // Ma'rifat, 2003 йил 19 март.
11. *Юлдашев Ф.* Интерфаол усулларни қўллашда ўқувчиларнинг ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш // Xalq ta'limi, 2012. – № 6. – Б. 100 – 102.
12. *Саламов Ш.Н.* Ғоялар жанги XIX–XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ. – Тошкент: "Истиқлол нури", 2017. – 312 б.

USE OF PRACTICAL METHODS OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN HISTORY TEACHING

A. Mamajonov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2022. 2(62) 65-72.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: aq-su_info@edu.uz

Keywords: strategy, interactive, practical, technological, intellectual, historical worldview.

The article deals with the problems of using practical methods of pedagogical technologies in history education, the main basis of modern pedagogical technology in the history education system is the dependence of the selected technology on the teacher to achieve results, the theory and practice of pedagogical technology in the education system for many years. as a result, opinions were expressed on the fact that one or another advanced methodology aimed at improving the teaching process or developing students' cognitive activity could not rise to the level of technology.

Today is the time of creative study and application of universal values in our lives, as a result of the use of practical methods of pedagogical technologies in history education. rather, it complicates the teaching process. Information resource centers (libraries) with a rich fund for changing the tasks and roles of the teacher, as well as access to literature, media, magazines, newspapers, fiction, so that the teacher can use the necessary materials for the lesson, the classrooms are full to facilitate his work The provision of computer equipment is also important, and today there are ample opportunities to improve the quality of education by increasing the efficiency of the educational process in modern history.

As a result, time has shown the need to convey practical methods of teaching history to young people through brainstorming, exercises, document work, role-playing games, book work, and so on. Knowledge learners should be able to independently search for their directions on the topics, to study and analyze independently, to draw conclusions themselves, modern teaching methods, forms and means, game technologies, non-traditional methods of independent learning play an important role in improving the quality and effectiveness of education. It is important that the teacher collaborates with the students in the process.

How much students' devotion to science depends on the teacher's ability to organize this process of collaboration, ie pedagogical creativity, the fact that practical games used in history lessons are didactic in themselves. A number of topics are suggested in advance to the pupils and students, for example, "Has the Russian Empire turned Turkestan into its colony?" the topic is selected and the pupils and students are recommended for the roles in which they play the same role in the direction. Information on conducting a practical method in the form of a briefing is described.

References:

1. Mirziyoev, Sh.M. (2021) Yangi O‘zbekiston strategiyasi [New Uzbekistan strategy]. Tashkent. O‘zbekiston.

2. Mirziyoev, Sh.M. (2017) Tanqidiy tahiil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak [Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader’s activity]. Tashkent: “O‘zbekiston” NMIU.

3. Mirziyoev, Sh.M. (2018) Milliy taraqqiyot yo‘limizni qatiyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko‘taramiz [We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level]. Tashkent: O‘zbekiston.

4. Mirziyoev, Sh.M. (2017) *Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz* [We will build our great future together with our brave and noble people].Tashkent: O‘zbekiston

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2018) [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev to the Oliy Majlis]. *Xalq so‘zi.* December 29.

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020) [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev to the Oliy Majlis]. *Xalq so‘zi.* January 25 .

7. Quvvatov, N.(2002) *O‘tish davri tafakkuri* [Transition thinking]. Tashkent: Ma'naviyat.

8. Isoqov, B. (2007) *Jamiyat taraqqiyoti asosi* [The basis of community development]. Namangan: “Namangan” nashriyoti.

9. Karimov, I.A. (1997) *Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori* [A harmoniously developed generation is the foundation of Uzbekistan's development]. Tashkent: Shark.

10. Amirjonova, Yu. (2003) Metodika va texnologiya bir-biridan qanday farqlanadi? [How do methodology and technology differ from each other?]. *Ma'rifat.* March 19.

11. Yuldashev, F.(2012) Interfaol usullarni qo‘llashda o‘quvchilarning hamkorlik munosabatlarini yo‘lga qo‘yish [Establish collaborative relationships between students using interactive methods]. *Xalq ta’limi.* No 6. Pp. 100-102.

12. Salamov, Sh.N. (2017*) G‘oyalar jangi XIX-XX asr Turkiston va Janubiy Kavkaz* [The Battle of Ideas XIX-XX centuries Turkestan and the South Caucasus]. Tashkent: “Istiqlol nuri”.

Муаллиф ҳақида маълумот:

МАМАЖОНОВ Алишер – тарих фанлари номзоди, Андижон давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти. E-mail: mamajonov0505@mail.ru